



Ishonch

МОҲИАТ
БИЗНИНГ
ЭНГ КАТТА
ТАЯНЧИМИЗ —
ХАЛҚИМИЗНИНГ
ИРОДАСИ,
ХАЛҚИМИЗНИНГ
ИШОНЧИДИР.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqarib boshlagan



Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан

Донишмандлардан бири бахт бу — ҳаловатдир, деганди. Бу сўзнинг маъно-моҳияти назаримда Ватан сарҳадлари қадар кенг. Ҳаловат бор жойда эса тўю томоша, байраму тантаналар бўлиши табиий. Менинг дилда ҳаловатим бор. Демакки, озода ва обод юртининг бахтиёр фарзандиман. Мана шу ифтихорни бошқаларга ҳам улашгим келаверади. Шунинг учун ҳам яқинда қишлоқдан келган синглим: «Шаҳарни айлантинг» деганда хурсанд бўлиб кетдим. Сайёҳатни айнан Миллий боғдан бошладик...



Орзу-умидлар гуллайдиган боғ

Айни кунларда улуг байрам — мустақилликимизнинг 20 йиллик тўйи арафасидаги кўтаринчилик шухури юртимиз бўйлаб кезиб юрибди. Хар қадам, хар гўша, хар бир юртошимиз юз-кўзида Ватандан фахрланиш ҳисси намоён. Шундай дориломон кунларда яшаётганимизни дилдан туйишнинг ўзи улкан бахт эмасми, ахир?!

Мамлакатимиздаги кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, пойтахт азимнинг кундан-кун чирой очиб бораётгани нафақат юртошларимиз, балки хоризлик сайёҳларнинг-да ҳайратига сабаб бўлмоқда. Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва бугунги тарққибтидан сўйлашгани қадими навқирон шаҳарларимиз орасида шаҳри Тошкентнинг кўрки бўлақча. Зеро, шаҳарнинг хар гўшаси муҳтарам Юртошимизнинг: «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам», деган сўзларининг байани ифодасидир. Тошкент ҳақида гап кетганда, аввало, истиқлолимизнинг илк кунларида ташкил этилган ва улуг

шоир, мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи кўз олдимда жонланади. 1991 йил «Алишер Навоий йили» дея эълон қилиниб, мустақилликимизнинг дастлабки ойларида улуг бобомизнинг ҳайкали ўрнатилганида халқимиз озода ва фаровон яшашнинг нечоғлик тотли эканини ҳис қилган бўлса, ажаб эмас. Боғнинг дарвозаси — гўзал меъморий кўринишига эга аркадан кираверишдаги саришталик, ўриндиқлар кўйилган йўлак ва боғнинг хусни бўлган улкан кўл. Мовий рангда тўлқинланиб турган сув киши руҳиятида ажиб бир ҳис уйғотади. Қайиқларда сузиб юрган одамларнинг сокин кўл бағрида барча ташвишларни унутиб яйраётганини кўриш завқли. Кўлнинг чап томонида катта кема — худди денгиз

қирғоғида лангар ташлаб, олис-олисларга сайёҳат қилишга шайланиб тургандек таассурот уйғотади. Ундан нарида турли атракционлар болаларнинг шодон қийқириғу кулгуларига чулғониб ётибди. Улар қанчадан-қанча болаларнинг кувончига шерик бўлган. Кўлнинг ўртасига ўрнатилган кўприкнинг-да бичими бошқача — миллий... Кираверишда, кеманинг олдида расмга тушган синглим бу ерда ҳам қайта-қайта суратга тушди. Кўзлари шодликдан чарақлаб кетади. Қишлоққа бориб тенгдошларимиз ўртасида мақтанишга яхшигина имконият-да бу. Энг муҳими, бундан гурурланиш, севиниш бахти. Кўприкдан ўтиб, зина бўйлаб юқорила-сангиз, чиройли сарв устунлар тўтиб турган муҳташам гўмбаз қаршингизга чиқади.

Ажабланманг, ҳа, менга доим қаршилаётгандай туюлади у. Сўнг эса:
Навосиз улусинг
навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса,
сен яхши бўл.
ёки:
Одами эрсанг
демагил одами,
Ониким, йўқ халқ
ғамидин ғами.
дея одамларни халқларварликка, эл дарди билан ёниб яшашга чорлаган, бетақдор ижоди билан нафақат турк улуси, балки бутун дунёни ҳануз ҳайратга солиб келаётган Мир Алишер бобомизнинг асо тутганча, адл қомат-ла самийий боқиб турган ҳайкал кўзингиз тушади. Сарвқомат дарахтлар, кўм-кўк майсалар қуршоғидаги бу обида бир томондан аждодларимиз закосидан далолат берса, ик-

кинчи томондан бугунги файзли кунларнинг мусоффо осмонидан, қадриятларимизнинг ардоқланаётганидан дарақ беради. Бундан бир неча йил олдин, талабалик давримизда Алишер Навоий таваллуд топган кун — 9 февралда бир гуруҳ тенгдошларимиз билан илк марта бу ерга келган эдик. Авваллари ижоди билан танишиб, киноларда кўриб юрган Навоий бобомизнинг маҳобатли ҳайкали тасаввуримни янада бойитди, ўшанда фахрланиб кетган эдим. Бу ҳис ўша ерга йиғилган элимиз ардоғидаги ижодкорлар, давлат арбоблари ва ёшлар чехрасида ҳам намоён эди. Бу ерда турли вилоятлардан келган меҳмонлар Навоий ҳайкалига ҳавас ва ҳайрат билан боқиб, тақрор-тақрор расмга тушишарди.
(Давоми 4-бетда)

Ҳамкорлик уфқлари

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан фаолиятга янгича ёндашган ҳолда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини муостаҳкамлаш, энг оммавий жамоат ташкилотининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига эришишдаги иштироки ва фаолигини ошириш, бу орқали ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўлни қўлга бериб

Ана шу мақсад сари қўйилган яна бир қадам сифатида яқинда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимни келтириш мумкин.

Унга кўра, Томонлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар ижросини таъминлашга қаратилган амалий тадбирларда давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий келишувни муостаҳкамлаш, самарадорлигини ошириш, Юртошимизнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қўлган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Томонларнинг мазкур битим доирасидаги ҳамкорлигида касба уюшма аъзоларининг ҳамда Академия ва Федерация ходимларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини юксалтириш йўлида мақсадли ишларни олиб бориш, Концепция асосида касба уюшмалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли ҳақида тадбирлар ўтказиш, бозор иқтисодиётига ўтишдаги айрим муаммоларни бартараф этишда илмий-услубий, амалий йўналишларда тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, қонунчилик, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид мавзуларда ҳамкорликда анжуманлар ўтказиш каби йўналишлар ўрин олган.

Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот-таҳлил ишлари юзасидан ҳам аниқ чоратадбирлар белгиланган олинди. Жумладан, Битимда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга, аъзоларнинг, айниқса, ёшларнинг ишончи ва фаолигини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларнинг турли оқимларга алданиб қолишининг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, миллий ғоя, ички ва ташқи сиёсат тамойилларини тушунтириш, ҳамкорликда наشرлар ва маърузалар тайёрлаш, чоп этиш, қонунчилик амалиёти бўйича илмий-назарий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш каби масалалар ўз аксини топган.

Шунингдек, Федерация ходимлари, касба уюшма ташкилотлари фаолларини ҳамда Академия тингловчиларининг малака оширишлари, ўзаро тақриб аламушларини ташкил этиш бўйича ҳам тегишли келишувлар белгиланди. Бу борада Федерация раҳбар кадрлари ва фаолларини алоҳида шартнома асосида Академияда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун махсус курсларга жалб этиш кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур битим мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётига оид кенг кўламли ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда Томонлар учун амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўз муҳбиримиз

Давра суҳбати

Мустақил Ўзбекистон — 20 йилда

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарориде таъкидланганидек, Мустақиллик кўни халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқийс ўрин тутадиган, хар йили энг улуг, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган кутлуг айёмдир. Эътироз этиш жоизки, ўтган давр мобайнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислохотлар, ўзгаришлар рўй берди. Халқимиз янгича фикрлашга, эркин меҳнат қилишга ўрганди. Буюк тарихимиз, маданиятимиз қайта тикланди. ЎзУФКнинг кичик мажлислар заллида Ўқув маркази лекторлари, таҳририятимиз ходимлари, вилоят муҳбирлари ва касба уюшма фаоллари иштирокида «Мустақил Ўзбекистон — 20 йилда» мавзусидаги давра суҳбати истиқлол йилларида амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳиятига бағишланди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари бош муҳаррири Абдуқолиқ Абдураззоқов суҳбатни бошлаб бераётган айём билан табриқлаб шундай деди: — Илгари Ўзбекистон Миллий университетининг Фансара факультетинида Хамидулла ака деган домла дарс беради. Ўз фанининг фидойиси эди у киши. Бир сафар бизларни Ўзбекистон Фанлар академиясининг электрон марказга олиб бориб, автоматик равишда газета чиқарадиган машиналарни кўрсатишган. Одам бўйидан бир неча марта баланд машиналарнинг ишлашини

қўриб, ҳайратга тушган эдик. XXI асрда эса бу машиналар биргина иччам компютер сабабли бефойда матоҳга айланган қолди. Бугун газеталар илгаридан ўн чандон тез, сифатли ва чиройлироқ қилиб чоп этиляпти. Буни айтаётганимнинг сабаби, аввал ким эдигу, ҳозир кимиз, деган саволга ургу берди. 20 йил ичида нималарга эришганимиз, қандай иллатлардан қутулганимизни бу ерда ўтирган катта авлод вакиллари яқини билишади. Утган аср тўқсонинчи йиллари бошидаги бошбошдоқлик, иккиланганларга ҳам гувоҳ бўлганмиз.
(Давоми 3-бетда)

Қурултой

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга янада кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан кучли бўлган касба уюшма ташкилотларини барпо этиш, шу асосда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Эзгу мақсад йўлида

Мазкур масалани ҳал этишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2011 йил 28 февралдаги «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги раёсат қарори айни мўддао бўлди. Шу муносабат билан жорий йилнинг 12 июл кўни I таъсис қурултой бўлиб ўтди. Унинг кун тартибиде Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси ва Ўзбекистон маданият ходимлари касба уюшмаси қўшилиш йўли билан қайта ташкил этилиб, ягона касба уюшмасини таъсис этиш ва уни қандай номлаш, янги касба уюшмаси Устава, тафтиш комиссияси Низоми, янги рамзи, шунингдек, касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси, Марказий кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси аъзолари ва раиси ҳамда Федерация кенгаши таркибига вакил сайлаш ма-

салалари кўрилди. Кун тартибидеги масалалар юзасидан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Қорақалпоғистон Республика кенгаши раиси Р.Абдурахмонов, Наманган вилоят кенгаши раиси Р.Дехқонов, Ўзбекистон маданият ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича вакили Ш.Саъдуллаев, «Тенгдош» маданият уйи раҳбари Н.Жетёнёва, Ўзбекистон Миллий университети талабалар касба уюшма кўмитаси раиси И.Ҳамроев, Ўзбекистон халқ артистлари Ёкуб Аҳмедов ва Мурод Ражабов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг босари М.Каримов ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқди. Т.Нарбаева жумладан шундай деди: — Аввало, Бош келишувнинг

имзоланиши ҳаммамиз учун катта тарихий воқеа бўлди. Шундан кейин касба уюшма фаолиятини мазкур муҳим ҳужжат талабалари даражасида ташкил этиш борасида энг шимариб ишга кири-

ришда бир ёқадан бош чиқариб ишлаш тушунилиши керак. Маданият ходимлари, масалан, уларнинг эл ардоғидаги вакилларига омма билан учрашиш, катта-катта аудиторияларда мулоқотлар уюштириш учун кенг имконият, етарли шароит яратиб берилса, бундай ишларимиз билан нафақат

ички иммунитетни муостаҳкамлаймиз, балки, ёшларимиз онгига қадимдан илм-фан ва маданият ўчоғи саналмиш жаннатмакон юртимизга садоқат, ундан фахрланиш ҳиссини жойлаб, унинг истиқбол йўлида фидокор авлоднинг тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшган бўлаемиз. Бугунги бириктирдан мўддао ҳам шу мақсадга қаратилган деб ўйлайман. Шундай қизгин тақлиф ва мулоҳазалардан сўнг янги ташкил этилган кенгаш Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси, деб аталадиган бўлди. Унга раис этиб ҳозирга қадар Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашини бошқариб келган Носирхон Акбаров, жамоатчилик асосида раис ўринбосари этиб Малика Жалилова сайланди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» муҳбири

Жараён

Самарқанд вилояти ҳокимлигида болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, соғломлаштиришни муваффақиятли давом эттиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши бош мутахассиси Э.Раҳмоновнинг ахбороти тингланди.

Чора-тадбирлар белгиланди

Жорий мавсумда вилоятдаги шахардан ташқари оромгоҳларнинг биринчи навбатида 2710 ўринга 3052 нафар бола ҳордиқ чиқарди. Шаҳар ва туманлардаги 30 та умумтаълим мактаби ҳамда 15 та касб-ҳунар коллежи қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда айна дамбага ҳомийлар маблағи ҳисобидан 6412 нафар бола дам олдирилган.

Шу кунларда 2900 бола соғломлаштирилмоқда. Улар сонини яна 10 нафарга кўпайтириш чораси кўрилмоқда. Сўлим гўшаларда 200 нафар қорақалпоғистонлик ўқувчи, 50 нафар меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиси, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 320 нафар фарзанди бепул дам оляпти.

Дам олишни бекам куёт ташкил этилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилган. Мавсум ташкилотчилари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш ва соғломлаштириш ишларини мувофиқлаштирувчи доимий комиссия раиси Танзила Нарбаева иштирок этди.

Н. ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Тарадуд

Муносиб кутиб олайлик

Истиқлолимизнинг 20 йиллигини Чортоқ тиббиёт коллежи жамоаси ҳам ўзларининг муносиб совгалари билан кутиб олмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, коллежда «Эъзоз мурувват» ишлаб чиқариш ва ўқув-давонаш диагностика маркази ишга туширилди. Ўқитувчи ва ишчи-ҳодимларнинг саяёҳаракати билан иссиқхона, лимонарий ва товухона қуриб топширилди. Фотосалон, чевархона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, аёллар сартарошонаси каби маиший хизмат кўрсатиш хоналари ташкил этилди. Шу тарихда бир қанча иш ўрни яратилди. Пазандачилик, тўқувчилик, рўзгор тутиш каби хоналар қизларни турмушга тайёрлаш мақсадида фаолият юритмоқда.

Раъно ИНАТУЛЛАЕВА, Чортоқ тиббиёт коллежи касабаси уюшма кўмитаси раиси

Инсон манфаатлари йўлида

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий Ассоциацияси мажлислар залида ЎзННТМнинг янги сайланган раис ва раис ўринбосарларининг журналистлар иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЎзННТМА раиси Абдумажид Каримов йиғилишни очган, ёшлар ва аёллар йўналиши бўйича раис ўринбосари Насиба Миррадилова, иқтисодий-гуманитар йўналиш бўйича раис ўринбосари Муҳиба Тошқужаева, ҳуқуқий йўналиш бўйича раис ўринбосари Ақром Мирзаев, экология, таълим ва иқтисодий йўналиш бўйича раис ўринбосари Саидрасул Сангинов маъруза қилишди.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган 400 дан ортиқ ННТ ассоциацияга аъзо. Ассоциациянинг раҳбар органи ЎзННТМнинг Республика Конференцияси ва Кенгаши ҳисобланади. Ассоциация таркибидан ННТларни қўллаб-қувватлаш Фонди фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, аъзоларни ахборот-техник қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудда ресурсларни марказлари ташкил қилинган.

Йиғилишда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири



«Ishonch» мухбири

Оролбўйи минтақасида истиқомат қилувчи болажонларнинг ёзги таътили Тошкент вилоят оромгоҳларида мароқли ўтказиш аънанаси бир неча йиллардан буён давом этиб келмоқда.

— Мақсадимиз болажонларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, саломатликларини муҳофаза қилиш билан бир қаторда улар дунёқарашини кенгайтириш, она Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашдир, — дейди Хоразм вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Раҳимберган Матрасулов. — Сўлим масканда кечадиган дамлар улар хотирасида бир умр жой олиб, янги орзулар томон бошлашига шубҳа йўқ.

Бир олам таассурот

Айни пайтда 700 нафардан зиёд бола мароқли ҳордиқ чиқарди. Тошкент вилоятининг «Бойчечак», «Йўлчи», «Меҳржон» оромгоҳларидаги ҳар бир кун сермазмун кечди. Буни юртга қайтиб таассуротларини дўстлари, қариндошлари билан ўртоқлашаётган болажонларнинг самимий дил сўзларидан билса бўлади.

— Ангрндаги «Йўлчи» оромгоҳида дам олган боғотлик болаларга мураббийлик қилдим, — дейди Боғот туманидаги 28-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Болтабой Исмоилов. — Темирийўл воқалида тантанали кутиб олишди. Оромгоҳда болажонларнинг дам олиши, вақтини сермазмун ўтказиши учун барча шароитлар муҳайё қилинганини қўриб қувондик. Спортнинг шахмат-шашка, футбол, волейбол, стол тенниси бўйича ташкил қилинган мусобақаларда гурӯҳимиз аъзолари фаол иштирок этишди. Маънавий-маърифий тадбирларнинг ранг-баранглигини айтмайсизми! Кутуб-

хонада болалар адабиётлари бисёр экан. Шифокорлар болаларимиз саломатлигини мунтазам назорат қилиб туришди. ИИБ ходимлари эса хавфсизлигимизни қафолатлашди. — Янгиариклик болалар «Меҳржон» оромгоҳида мароқли дам олишди. Маскан бизни гўзал манзараси билан мафтун қилди. Хоналар тоза, ҳаммаёқ саранжом — саришта. Ҳар бир кунга «Соғлом танда — соғ ақл», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Дўстлик — олий нәмат» каби ўн икки алоҳида ном берилиб, номга оид шеър, қўшиқ, монолог, сахна кўринишлари тайёрланди. Бу болажонларимизнинг иқтидорини намойиш қилишга имкон берди. Эрталаб бадантарбия, кунда минералларга бой сув, витаминлар, икки маҳал чўмилиш... Булар ўз самарасини берди, албатта, — дейди тарбиячи Нурхон Улугбекова.

Хазорасидан ташриф буюрган болажонлар эса тарбиячилар Аҳмед Жу-

Фабрикадаги иқтисодий фаолият миллий банки инвестиция жараёнида, иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш, модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларида фаол иштирок этмоқда. Иқтисодий ночор корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма маблағ билан таъминлаш мақсадида Миллий банк томонидан 86,7 миллиард сўм миқдоридagi маблағлар инвестиция сифатида йўналтирилди. Шундан 49,2 миллиард сўми айланма сармоя учун йўналтирилган бўлса, 37,5 миллиард сўми ишлаб чиқаришни модернизациялашга сарфланди.

Ана шундай корхоналардан бири Чиноз туманидаги «Chinoz textile» масъулияти чекланган жамиятидир. Пахта толасидан ип ва газлама ишлаб чиқарувчи мажор йирик корхонага ажратилган инвестициялар ҳажми 5 миллиард 240 миллион сўми ташкил этди. Натижанда корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошди ва 550 иш ўрни сақлаб қолинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида корхона бир минг 769 тонна маҳсулот тайёрлади ва экспорт ҳажми 6,931 миллион АҚШ долларига етди.

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

«Ishonch» мухбири

Соғломлаштириш

маниёзов, Кумри Тойлоқова раҳбарлигида Паркент туманидаги «Бойчечак» оромгоҳида дам олишди. Гурӯҳ аъзоси Феруза Хусайнова теннис мусобақасида, Аҳмадхон Исмоилов узунликка сакрашда голибликни қўлга киритишди. Шахмат мусобақаларида Шоҳруҳ Хожабдуллоевга тенг келадигани бўлмади. Барча тадбирларда фаол иштирок этгани учун Севара Якубова, Қудрат Комилжонов оромгоҳ фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Мақсудбек Рўзметов мусика тўғрагидаги машғулотлар мароқли кенгашлигини фахр билан сўзласа, Мухлиса Рўзимбоева, Асадбек Комилов расм тўғраги машғулотлари юқори савияда ташкил қилинганини айтишди. Умуман, хазораслик болажонлар оромгоҳда ўтказилган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этди. Сўлим гўшаларга саёхатлар, ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлардан бир олам таассурот олишди.

Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда, бу имконият учун Ҳўқуматдан, касабаси уюшмаларидан миннатдор эканлигини билдиришди. Шунинг барида оромгоҳларда яратилган шароитлар учун Тошкент шаҳри ва вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасига, оромгоҳлар раҳбарларига алоҳида миннатдорчилик изҳор қилишди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Менга сўз беринг

Ҳозирги иқтисодий муҳитда асосан икки йўналишдаги — илмий-фалсафий ва диний дунёқараш мавжудлиги ўз-ўзидан аён. Уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, Асосий қомусимизда дунёвий давлат қуриш назарда тутилганлиги учун ҳам боғча, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртилари ва бошқа таълим муассасаларидаги таълим-тарбия тизими жараёнида илмий-фалсафий дунёқараш устувордир.

Шу нуқтаи назардан қомил инсон масаласини ҳам илмий-фалсафий мазмунда тушуниш, таълим-тарбия ишини ҳам шу асосда қуриш мақсадга мувофиқдир.

Комил авлод тарбияси

Бинобарин, маънавияти бой инсонга қомил инсон бўла олади. Юксак ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун, чуқур ва замонавий бўлиши керакки, кенг илмий-фалсафий дунёқарашга эга бўлган инсон қомилдир. Демак, у нафс хуружини, лаззатларга бўлган мойиллик ҳижолатини енга оладиган эътибор эътибор. Ҳар бир жамият таянадиган маънавий қадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга эга бўлса, у шунчалик умрбоқийдир.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва маънавий илохотларни амалга ошириш шароитида маънавий омиллардан фойдаланиш вазифаси биринчи ўринга чиқади. Ҳадисларда молу дунёси кўп одам эмас, балки нафси тўқ одам бадавлат эканлиги айтилади. Камолотнинг энг юксак маънавиятини киритадиган бўлсақ, бунда мукамалликнинг жиҳатлари ақлий, ахлоқий, маданий, жисмоний фаолият билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, бир қанча соҳаларни қамраб олади. Чўнончи, жисмоний фаолият касб-ҳунар билан шуғулланишни ўз ичига олади. Инсонни гўзал қиладиган — унинг хунари, илми ва одоби деб айтиш мумкин. Хунар ҳам, илм ҳам одамни юксакликка кўтарди, унга катта оғру ва шўхрат келтиради. Бирок шахс ҳижолати хунар соҳиби бўлса-ю, одоб ва ахлоқ бобида қурсурга йўл қўйса, оғру топа олмайдди. Ўзбекистонда бу тамойилнинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури руҳида сингдириб юборилганлиги бои-

си ҳам шундир. Шунга қўра жисмоний бақувват, соғлом бўлиш нафақат шахсий, балки иқтисодий аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган «Соғлом авлод дастури»нинг бош мақсад-маъмуни ҳам шу билан белгиланади.

Комилликнинг яна бир жиҳати Ватанга, миллатга, элу юртга садоқат билан хизмат қилишдир. Ватанини севмаган, миллати тарихи ва тақдирига лоқайд қарайдиган инсоннинг қомиллиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Президентимизнинг «Элим деб, юртим деб ёни яшаш керак» деган даъвати негизда ана шундай буюк гоё этади.

Маънавий етуқлик шартларидан яна бири, бу инсоний фазилатларнинг уйғун бўлиши масаласидир. Кишининг ички ва ташқи дунёси, соғлом фикр ва оқилона сўзи билан амалий фаолият, тили билан дили бирдай бўлиши етуқлик мезонидир.

Бунинг учун биз бугунги кунда миллий илохотларнинг ҳамма воситаларидан ўринли ва унумли фойдаланишимиз, таълим-тарбиянинг уйғунлигига эришимиз, иқтисодий муҳитнинг ҳар жиҳатдан соғломлаштиришга ҳаракат қилмоғимиз лозим. Зеро, ёшларни барқамол авлод қилиб тарбиялашда маънавий етуқлик асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шаҳло ТУСУНОВА, Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Қашқадарь вилоят кенгаши мутахассиси

Бор бўл, оқибат!

Имконияти чекланганлар учун ихтисослаштирилган Республика касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази Фарғона вилоятида ибратли зиё масканлардан бири ҳисобланади.

Севимли маскан

Коллеж 510 нафар талабага мўлжалланган замонавий ўқув биноси, 400 ўринли ётоқхона, 200 ўринли ошхона, спорт зали, клуб, ахборот-ресурс марказига эга. Дарс ва машғулотлар замонавий ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланган хоналарда олиб борилмақда. Шунингдек, бу ерда тикувчилик, бухгалтерия, ахборот-клубхона тизими мутахассислиги, телерадио аппаратлари ўстичилиги, компютер техникаси ва дастурий хизмат, пойабзалчилик каби мутахассисликлар бўйича ўқув ишлаб чиқариш амалиёти йўлга қўйилган.

1, II гуруҳ ногиронлари ҳамда 4 нафар велеаравачида юрадиган ногирон талабалар доимий эътиборда. «Касбим — mening фахрим», «Менин биринчи маҳсулотим» деб номланган кўргазмалли суҳбатлар барчага манзур бўлди.

Коллеж маъмурияти ўқувчилари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. 2009 йилда тикувчилик бўлими 2-босқич талабаси Матлуба Оқунова ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловда ўзининг маҳсулотини билан қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Унга республика «Меҳр-мурувват» хайрия жамғармаси томонидан диплом ва компютер топширилди. Ҳозирда 78 нафар ходим, 420 нафар талаба марказининг мўжам аъзосидир.

Мухаммадҷон МАХМУДОВ

Саёҳат — роҳат

Боқий шахарда бир кун

Сирдарё вилоят Алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси тармоқда меҳнат қилувчи юз нафар ходимни Самарқанд шаҳрига саёхатга олиб борди. Жиҳаз вилоятидаги Амр Темур гори, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси, Гўри Амр мақбараси, Регистон майдони, Шохизинда мажмуаси ва бошқа обидлар саёхатчиларда катта таассурот қолдирди.

— Самарқанд ва Римгина дунёда «абдий барҳабт шахар» деган юксак мақомга эришган, — дейди бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Улугбек Таниқулов. — Деиримизнинг дуру гаҳари бўлган бу қўна ва навқирон заминдаги ҳар бир асори-атика қалбимизни чексиз гурурга тўлдирди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Замондошларимиз

Умр мазмуни

Далага саҳарлаб келган Бахтиёр ака майин елда тебранаётган гўза япроқларини кўриб қувонди. Ҳали-замон гўзалар шоналаб, шоналар гулга, гуллар қўсақка айланади. Кейин эса беш чаноқ бўлиб оппоқ-момиқ пахталар очилади...

Бахтиёр Ҳалимбетов раҳбарлик қилаётган Гурлан туманидаги «Истиқлол самар» фермер хўжалиги 2006 йилда ташкил қилинган. Ўтган йилларда йиллик режа мунтазам равишда ортиги билан удаланди.

Бу йил шартнома режасига асосан 75 га даладан 209 тонна пахта, 14 га майдондан эса 31,5 тонна галла давлатга сотилиши керак.

Хўжалиқда ўтган йили олинган 174 миллион сўм даромаддан 80 миллион сўми соф фойдани ташкил этди. Даромад эвазига 1 та ДТ-75 хайдов трактори, 1 та МТЗ-80 чопиқ трактори сотиб олинди. Ёрдамчи хўжалиқда 8 бош қорамол, 100 бош парранда боқилмоқда. 3 га ерга сабзавот, 1 га майдонга картошка, 2 га жойга полиз экинлари екилди. Дала чеккаларига 500 тул тут, 6000 тул манзарали, 100 тул мевали дарахт кўчатлари ўтказилган.

Хўжалиқда 61 нафар касабаси уюшмаси аъзоси меҳнат қилади. Барчаси шартнома асосида ишга қабул қилиниб, уларга меҳнат дафтарчаси очилган. Касабаси уюшмаси ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини тик-

лашга эътибор қаратмоқда. Иш ҳақи вақтида тўланапти.

Жорий йилда 2 та оилага 50 тадан парранда, 1 та оилага қорамол, кам таъминланган 2 та оилага 200 килограмм бунғдой берилди. Ишчи-хизматчиларга ҳар кунни дала бошида иссиқ овқат ташкил қилинади. Болалар боғчасини таъмирлаш учун 300 минг сўм ажратилди.

Бахтиёр Ҳалимбетов Андижон қишлоқ хўжалиқ институтини муваффақиятли тамомлаб, бир неча йил соҳада турли лавозимда фаолият кўрсатган. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси этиб сайланган. У Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Инсон умрини дарахтга қиёслашди. Илдиз мустаҳкам бўлса, шоху навалар осмонга кенг қулоч ёзади. Бахтиёр аканинг умри ана шундай муаззам дарахтга ўхшайди...

Иброҳим ЮСУПОВ, ҳуқуқшўнос, Хоразм вилояти

Тадбир

Машқда қийин бўлса...

Йирик саноат тармоқларининг узлуксиз ва самарали ишлаш таъминлашда ёнгиндан ҳимоялаш масаласи мўжам ўрин эгаллайди. Республикадаги мавжуд корхоналарнинг ёнгин хавфсизлигини муҳофаза қилувчи қисмларда нафақат ёнгинларнинг олдини олиш, балки ёнгин ва бошқа фавуқлодда ҳолатлар юзага келганда, шахсий таркибининг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ёнгинни ўчириш бўйича тактик машқ ва машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

Жумладан, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси, «Ўзбекметансаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ тасарруфидаги корхоналарда гарнизон куч ва воситаларини жалб қилган ҳолда ёнгин ўчириш амалий тактик машқлари ўтказилиши ташкиллаштирилди. Тадбирлар натижаси муассасалар маъмурияти ва ёнгин хавфсизлиги хизмати шахсий таркиби билан муҳофазат қилиниб, жанговарлиқни ошириш, ёнгин ўчиришдаги ҳаракатлар юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Феруза ҚУРБОНОВА, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЕХББ Бош мутахассиси, подполковник

Тиббий кўрик

Бугунги кунда республикамизда аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлари билан биргаликда олиб боришга шароит яратиш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратилган.

Аёл кулса, олам кулади


Ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, маданий-маърифий ишларда оммавий иш-тирокини таъминлаш, уларни жамият ишларига кенг жалб қилиш ҳамда соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси ташаббуси билан тизимда ишлаб келадиган аёлларнинг соғлиқларини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, «Фарғазтаъминот» унитар корхонасида Бухоро ва Навоий вилоятида меҳнат қилаётган 431 нафар аёл «Ўзтрансгаз» ДКСининг 2011 йил 1 июндаги бўйруқ-қарорига асосан шу йилнинг 16-23 июн кунларида «Соғлом авлод учун» жамғармаси орқали саломатлик марказларида юқори малакали тиббиёт ходимлари томонидан замонавий диагностика аппаратларида тиббий кўриқдан ўтказилиб, аниқланган касалликларини даволаш бўйича керакли таъсиirlар ҳамда турли витамин ва дори-дармонлар билан таъминланди.

Тиббий кўриқдан ўтиш вақтида мутахассислар томонидан соғлом авлодни шакллантириш, репродуктив саломатлиқни ҳимоялаш, аёлларнинг соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш тўғрисида давра суҳбатлари ўтказилди.

Самия МАХМУДОВА, «Фарғазтаъминот» унитар корхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси

Муस्ताқил Ўзбекистон

20 йилда



(Давоми. Боши 1-бетда)
 Ҳозир кўчага чиқиб қаранг, мактаб-боғчага бординг, меҳнат жамоаларига киринг — 7 ёшдан 70 ёшгача бирон киши ўз ҳаётини мустақилликсиз тасаввур ҳам қилолмайди. Мустақиллик низоли ҳосилдор катта бир даракта айланганини ҳис қилиб, ҳаммамиз қатъий бир ишонч билан йигирма йилликни қарши оляпмиз. Менимча, фуқароларимизнинг мана шу ишончи 20 йил ичида эришилган энг катта ютуқларимиздан бири бўлса керак.

Константин Перверзев, ЎзКУФК Ўқув маркази директори:

— Бугун биз 20 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишларнинг ўз тақдиримизга таъсирини сарҳисоб қилиш ниятида йилнинг 20 йил тарих олдига бир лаҳза эканини яхши биласиз. Бироқ бу лаҳза мамлакатимиз учун асрларга татигулик бўлди. Ўқув марказимиз мисолида истиқлол берган имкониятларни гапириб ўтмоқчиман. Марказимиз хом гишдан, ўтган асрнинг 20 йилларида қурилган ярим хароба бинада жойлашган эди. Бир неча ўқитувчи билан ҳамкорликда, асосан касаба уюшма фаоллари фуқароларни дам олдириш, соғломлаштириш тизимини ўрғатиш билан шуғулланардик. 2000 йил Федерация томонидан янги Ўқув маркази қуришга қарор қилинди. Эндиликда, умуман бошқа миқёсда иш олиб бораемиз. Олий ўқув юрларининг профессорлари билан ҳамкорлик қиламиз. Фаолларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, миллий истиқлол гоёси, хорижий касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари фаолиятдан дарслар ўтिलाди.



Эшларимиз жуда билимли. Бир неча тилда тутилмай гапирадиганлари қанча. Компютер технологияларидан боғабар, интернетни чуқур билишади. Яқинда ўзимизнинг «Ishonch»да ўқиб қолдим. 29 ёшли Алишер деган олим йигитимиз қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ҳозирги кундаги энг самарали усулини ўйлаб топди. Истиқлол йилларида айнан эшлар тарбиясига катта аҳамият берилганлигини самараси бу. Эшлари бахтиёр, билимли, ишончли халқнинг келажиги ҳам ишончга тўла бўлади.

Абдухалиқ Абдуразоқов:
 — Яқинда Эллиққалъа тумани маркази Бўстон шаҳрида «Ishonch» кунлирини ўтказиб келдик. Муҳаммад Юсуф номидаги академик лицейда учрашув бўлди. Мен лицейни кўриб, тўриси, хайрон қолдим! Бирон бир университетда юрибман, деб ўйладим. Унинг аудиториялари, кафедралари, ахборотресурс марказларини кўриб, ёқа ушлайсан киши. 300 талабага мўлжалланган аудиториялар бор. Лицейда мингга яқин талаба ўқир экан. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухородан келган энг иқтидорли йигит-қизларимиз ораста, ёруғ хоналарда таълим олишяпти. Қувонарлиси, бу каби лицей, коллежлар мамлакатимизнинг барча туманлари, ҳатто чекка қишлоқларда бунёд этилди. Бу ҳам 20 йил ичида эришган ютуқларимиздан биттаси.

Фахриддин Мусаев, Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факултетининг ўқув ишлар

бўйича декан ўринбосари, фалсафа фанлари доктори:



— Кўп нарсалар шундай байрамлар олдидан сарҳисоб қилинади. Мен олий таълим муассасаларида дарс бериш билан бир қаторда, турли идораларнинг малака ошириш марказларида ҳам лекциялар ўқийман. Демак, менда таққослаш имконияти бор. Айтишни мумкинки, Федерациянинг Ўқув маркази жуда кўп ютуқларга эришган. Ўқув услуби, шартшароитлар юқори савияда ташкил этилган. Тингловчилар, турли тармоқ вакиллари, касаба уюшма фаоллари билан ишлаш жуда қизиқ. Бизда монотон дарс деган нарсаяўқ. Мултимедия жиҳозлари, Президентимиз асарларининг электрон вариантлари мавжуд. Бундан ташқари, кўшни мамлакатларга сафарлар уюштирилганда у ердан турли адабиётлар олиб келинади.

Ўқув маркази яқинда яшайман, гоҳида баъзи тингловчиларни кўриб қоламан. Фаввора атрофида гаплашиб ўтираман. Бир нарсаядиққатингизни қаратмоқчиман. Аспирантларимиз, магистрларимизни олиб келиб, касаба уюшма фаолларига дарс беришни ташкил қиломоқчи бўлдим. Лекин чўчимди. Чунки бу фаолларнинг савияси анча баланд. Улар ҳаёт мактабини кўришган касб кишиларининг ўнташвишларини яхши билишади. Халқ билан доимий мулоқотда бўлишади. Халқ дарди билан яшашади.

1999 йили Тошкент Давлат юридик институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлардим. 16 феврал воқеалари содир бўлганда, майдондан бир парча темир учиб бориб, бизнинг деразамизни синдирганда ўқитувчилар, талабалар қанча ташвишга тушган эдик. У кунларга қиёсласак, бугунги тинчлик биз эришган ютуқлар, улкан марралар асоси эканини теран ҳис этамиз. Албатта, ютуқлар ўз-ўзидан келиб қолгани йўқ: жуда катта меҳнат, катта ҳаракат, давлатимиз раҳбарини томонидан олиб борилаётган изчил ички ва ташқи сиёсатнинг ижобий самараси ҳисобланади.

Самин Раҳимов, Тошкент Молия институти фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори:



Тошкент давлат педагогика институтида талабаларнинг учрашуву бўлганди. Абдулла ака Хиндистон сафарига борганини гапириб берди. «Дўппи кийиб юргандим, —

дейди у.— Бир ҳинд қаердан келганим билан қизиқди. Ўзбек эканимни, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентдан келганимни айтдим. Ҳинд елка қисди-да нари кетди». Деҳлида, Калкуттада ҳали дўппи кийган ўзбек ёзувчисини ҳеч ким билмас, ҳеч ким тан олмас, ҳатто ҳинд зиёлилари Ўзбекистон аталмиш диёрнинг қаерда эканини билмас эди. Самарқанд, Бухоро, Хива ҳақида чала тушунчага эга эдилар. Ҳолос. Ваҳоланки, бизнинг юрт тарихи билан Хиндистон тарихи чамбарчас боғлиқ. Ёзувчи русча гапиришга ўтиб, СССР дегандан сўнггина «У! Россия» — деб гап бошлашарди. Абдулла ака шу воқеани жуда қуёниб, қайғуриб гапириб берганди. Яқинда Президентимизнинг Хиндистонга қилган сафарини, унга кўрсатилган ҳурматини эхтиромни телевизор орқали кўриб, гапининг очиги, кўзларимга ўш келди.

Бир йили Санкт-Петербургда ўтган илмий конференцияда қатнашдим. Канадалик файласуф олимлардан бири мени қаердан эканимни эшитиб, ўзбекистон меҳр-оқибати тўғрисида ҳаяжон билан гапирди:

— Икки ўғлим бор, — деди у. — Иккаласи ҳам бой-бадавлат. Бироқ кейинги икки йил ичида фақат кичик ўғлим бир марта мени кўрган келди. Ўзбекистонга борганман. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда бўлганман. Сизлардаги меҳр-оқибат, ота-онага ҳурматни, бола-қизликни кўриб хайрон қолганман.

Яна бир гап. Жаҳон тарихида давлатни тараққий эттиришнинг 8 та модели мавжуд. XX аср сўнггида Америка, Европа моделлари орасида Ўзбек моделининг пайдо бўлиши ҳам халқимиз эришган буюк ютуқдир. Илгари бирор чет элга борадиган делегация, ҳатто сайёҳ ҳам «собиқ марказ»дан руҳсат олиши шарт бўлган. Муқаддас динимиз, миллий урф-одатларимиз таққиллаб қўйилган пайтларга гувоҳ бўлганмиз. 1990 йилгача юртимизда 80 га яқин масжид бор эди. Иттифоқ бўйича йилга 400 киши ҳаж сафарига бора олган. Давлат ишида ишлаган одамларга қариндош-уруғининг жанозасига боришга ҳам руҳсат берилаган. Ҳозир кўпчилик эшлар бунга эртас, деб ўйлашади.

Фахриддинжон тўғри айтди: инсон учун аввало тинчлик керак. Тинчлик бўлмаса, ҳеч нарса татмайди. Шунинг учун истиқлолнинг бунёдкор гоёларини тарғиб қилишда сизларга омад тилайман.

Тўра Норбоев, Тошкент Молия институти фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди:

— Мен журналистман. Хайрулло Жаўраев, Эргаш Муҳаммад, Фулом Гофур ва бошқалар билан биринчи қалдирғочлар бўлиб журналистика факултетини тугатганмиз. Бу тахририятга ҳам бегона эмасман. «Ishonch»да сиёсий шарҳловчи сифатида бир муддат фаолият юритганман. Зеро, бу қозон унча-бун-

чага «биқирлаб қайнамаслиғи»ни биламан. Илгари оддийгина хабарни босиб чиқариш учун матбуот инспекциясидан сўраш, руҳсат олиш керак эди. Агар мустақиллик нима берди, деб сўралса, эркинлик, ўз муаммоларимизни ўзимиз ҳал қилиш имконини берди, деб айтсак тўғри бўлади, менимча.

Абдухалиқ Абдуразоқов:
 — Яхши хабардоримиз — барча вазирилик ва идоралардан тортиб, турли ўқув даргоҳлари, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларида Президентимиз Ислоом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» чуқур ўрганилиб, шу асосида вазирилик белгилаб олинмоқда. Дунёнинг кўзга кўринган экспертлари Президент концепциясининг моҳиятини ижобий баҳолашмоқда. Шу асосда Олий Мажлис депутатлари, ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик янги қонун лойиҳаларини яратиш устида қизгин иш олиб боришмоқда. Жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида» қонун лойиҳасини тайёрлашда касаба уюшмалари мутахассислари фаол иштирок этаётганидан яхши хабардоримиз. Мазкур Концепцияда яна бир қонун — «Жамоатчилик назорати тўғрисида» қонунини яратиш зарурати ҳақида ҳам гап боради. Мазлумки, икки мингичи йилнинг бошларидан «Жамоатчилик назорати» деган атама тез-тез тилга олинар эди. Лекин нима учун айнан бугунги кунга келиб бунинг қонунини асосини барпо этиш гоёси кун тартибига қўйилмоқда?

Фахриддин Мусаев:
 — Мамлакатимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилнинг ривожланиши босқичларини кузатсак, бунинг сабабини тушунишимиз осон бўлади.

Икки палатали парламентнинг фаолият кўрсата бошлагани, давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич жамоат ташкилотларига берилиши, маҳалла институти ваколатларининг кенгайтирилиши, кўппартиявийликнинг ривожланиши каби омиллар Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли жамият барпо этиш сари дадил юксалиш рўй бераётганини кўрсатади.

Мана 20 йилда биз кучли, қудратли давлатга айландик. Зеро, жамият ҳам шу даражада кучли бўлиши зарур эди. Ҳар қандай қабул қилнадиған қонунда биринчи ўринда шахс, кейин жамият ва давлат манфаати ҳисобга олинади, ўзаро уйғун келиши зарур. Жамоатчилик назорати ана шу уйғунлиқни шакллантиришга хизмат қилади. Марказида эса шахс манфаати туради. Яқинда Фуқаролик жамиятини шакллантириш институтида жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун қандай бўлиши керак, деган мавзуда файласуфлар, ҳуқуқшунослар, депутатлар, журналистлар иштирокида баҳс бўлиб ўтди. Сўхбат давоминда кўпчилик жамоатчилик назоратини депутатлик назорати билан алмаштириш маъноси бўлиб қолди. Аслида, Президентимиз энг пастанд туриб энг юқоридаги давлат органини назорат қилиш механизмининг тақлиф қилляпти. Бу тармоқ қонунга эмас. Ундан алоҳида, мисол учун ҳуқуқшунослар ёки божхона ходимлари фойдаланмайди. Қонун ҳокимиятлар, яъни Президент, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ўзаро балан-

сидир. У қабул қилинаётган қарорларнинг жамоатчилик иштирокида амалга ошириш механизмининг амалдаги ифодасидир.

Шарофат Норқулова, «Ижтимоий-иқтисодий сиёсат» бўлими муҳаррири:



— Мамлакатимизда халқро нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юрилади. Улар орасида фарқ нимада? Хориждаги баъзи сиёсий гуруҳлар мамлакатимизга ННТ ниқоби остида кириб келаётгани ҳам сир эмас. Уларни рўйхатдан ўтказишда аввалги фаолияти ва Ўзбекистонга келишдан мақсадга ўрганиладими?

Самин Раҳимов:
 — Ҳозирда мамлакатимизда 5000 дан зиёд жамоат ташкилоти фаолият юрилади. Улар орасида кўплаб халқро ташкилотлар ҳам мавжуд. 20 йил мобайнида ёрдам берамиз, демократияни ўргатамиз деб, халқимиз манфаатига зид фаолият юритган айрим ННТларни ҳам кўрдик. Бироқ бу барча халқро ташкилотлар мамлакатимизга ёмон ниятда келади, дегани эмас. «Маҳалла» жағғармаси билан бир халқро ташкилотнинг ҳамкорлиги ҳақида биламан, анча йиллардан буён аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Оролбўйи аёллари соғлиқларини тиклашда яхшигина кўмак бериб келади.

Ҳозирда халқро ташкилотларни рўйхатга олиш, уларга Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритиш учун руҳсат бериш тартиби такомиллаштирилган.

Неъмат Рафиқов, «Касба уюшмаси ҳаёти» бўлими муҳаррири:



— Албатта, ҳаёт ўзгарди, қарашлар ўзгарди. Замонавий технологиялар, интернет ҳаётиимизга чуқур кириб келди. Биргина бизнинг тахририятимизни олсак, интернетсиз муҳбирларимиз қўл-оёғи боғлангандек бўлиб қолишади. Мухбир узоқ вилоятдан тезкор хабар, суратлар жўнатиш учун интернетдан фойдаланади. Маълумот почта орқали жўнатилади, тахририятга етиб келгунча эскириб қолиши мумкин. Бироқ, интернетдан фойдаланаётган эшларимиз табиийки, тажовузкор давраларга ҳам дуч келишади. Бу уларнинг юриштириши, онгига таъсир ўтказмайди, деб ким қафолат бера олади. Шу ўринда Махатма Гандининг, «Мен уйимнинг дарвозаси ва эшикларини доим маҳкам беркийтиб ўтира олайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак, шу билан бирга, эшикдан кирган довул уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлашини, ўзимни йиқитиб юборишини ҳам ис-тамайман», деган фикрини айтиб ўтмоқчиман. Биз дарвозаларни ёпи-

шимиз эмас, балки эшларимиз ўртасида миллий қадриятларимиз, тарихимиз ва маданиятимиз тарғиботига эътиборни кучайтиришимиз керак. Уларга истиқлол гоёларини сингдириб боришимиз зарур. Шунда ҳеч қандай довул — ноқоиз кучлар келажакимизга даҳл қила олмайд.

Зайниддин Рихсиев, бош муҳаррир ўринбосари:



— Мустақиллик, энг аввало, миллатни миллат сифатида сақлаш билан боғлиқдир. Тасаввур қилинг, мустақиллик рўй бермаганда бугун қандай ҳолатда яшаётган ва энг муҳими, эртанги кунга қандай кўз билан қараётган бўлардиқ?

Мана, куни кеча Ўзбекистон ўсимирлар терма жамоаси Мексикада ҳаммани ҳайратга солиб, чорак финалда тўп сурди. Илгари АКШ, Испания ёки Уругвай каби мамлакатлар билан «яшил майдон»да баҳс олиб боришга ким бизга «изн» беради?

Давлат мустақиллиги Юртбошимиз айтганидек, ўзбек халқининг тарихий ютуғидир.

Қадр қилган одамгина қадр топади. Хулоса шунки, мустақиллик деб аталмиш буюк неъматнинг қадрига етайлик. Шундагина биз ўз фуқаролик бурчимизни ўтаган бўлармиз.

Клара Саидмуродова, ЎзКУФК Ўқув марказининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари:



— Лекторларимиз тингловчиларимизга мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни атрафлича тушинтиришяпти. Чунки бу касаба уюшма фаоллари учун жуда зарур. Бу соҳадаги билимларни оғаллаган касаба уюшма ходимларининг фаолияти самарали бўлади. Шунинг учун ҳам бугун журналистлар билан Ўқув маркази лекторларининг давра суҳбати, фикр алмашиш ва тахририят фаолияти билан яқиндан танишиш фойдали бўлди, деб ҳисоблайман.

Давра суҳбати асоси олимлар истиқлол йилларида қонунчилигимизда бўлган ўзгартиришлар, Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», халқро майдонда содир бўлаётган ҳодисалар, экологияни асраш масалаларига оид журналистларнинг саволларига атрафлича жавоб беришди. Келажакда ҳамкорликни янада мустақамлаш ҳақида келишиб олинди.

Суҳбатни «Ishonch» муҳбири У. ИБОДИНОВ ёзиб олди

Нималарни ўйлаб топишмайди-я...

Асл деҳқон ойни аллалаб, қуёшни уйғотади. Саҳармардонча ерларидан, фарзандидек азиз бўлган экин ва ниҳолларидан хабар олади. Баъзида ҳатто бир пилёла чойини ҳам қадрдон даласида ичишни маъқул қилади.

Эшимжирон қишлоғида туғилиб, шу заминга меҳр қўйиб воёга етган Ҳамиджон Алламов ҳам ҳар тонги шайхсий томорқасида, ўзи ташкил қилган иссиқхонасида, кундан-кунга буй қўзаётган қўчалари ёнида қарши олади. У замин

Газ ўрнида шоли қипиғи

фарзанди. Ерни севади, ерга меҳри баланд. Асли касби хайдовчи. Шу сабабдан кўп жойларда бўлган. Сафарларидан бирида иссиқхонада етиштирилаётган қўчаларга дуч келиб, ҳаваслангани ҳам рост.

Холис ният албатта ижобат бўлади дейишади. Ҳамиджон аканинг нияти ҳам амалга

ошиб, шахсий томорқасида мўъжазгина ис иқхона бунёд бўлди.

— 2009 йил тажриба учун озгина ерда қўчат етиштириб кўрдим. Қарасам, қўлимдан келар экан, — дейди Ҳамиджон ака. — Ўтган йили иссиқхона-ни бироз кенгайтириб помидор ва бўлғор қалампирни қўчатла-

рини етиштириб, озми-кўпми даромад қилдим. Шунинг ҳисобига бу йил иссиқхона маъноси катталаштирдим.


Ҳозирда Ҳамиджон аканинг томорқасидаги 140 метр квадрат ҳажмдаги иссиқхона бағрида бўлғор қалампир ва помидорнинг «Волгаград - 5», яъни маҳаллий тил билан айтганда

«Картошка палак» нави қўчалари буй чўзюқда.

Бунга қарангки, Ҳамиджон ака иссиқхонасини табиий газ билан эмас, оддий шоли қипиғи билан иситар экан. Бу ҳақда ўзи шундай дейди:

— Шоли қипиғи аслида чикинди. Аммо ундан ҳам фойдаланиш мумкин. Барчамиз била-


диган 200 литрлик тунука идишининг озини кесасиз, ён томонидан мўри чиқарасиз. Остидан ҳаво қирадиган жой қўясиз. Тайёр бўлган ускуна иссиқхона ўртасига ўрнатилади. Ичи шоли қипиғи билан тўлдирилади. Слов ёқилиб озми маҳкамланиб ёпилади. Шоли қипиғи чинакам тошқумирга



(Давоми. Боши 1-бетда) — Юртимизда бир-бирдан гўзал гўшалар кўпайиб бормоқда. Уларнинг ҳар бирида ўзгача бир меъморий ечим, ўзгача бир маъно мужассам. Булар орасида мана шу Миллий боғ, Ҳазрат Навоий ҳайкали ўрнатилган обиданинг ўзгача ўрни бор. — дейди буюрлик Сирожиддин Бозоров. — Бу ерга учинчи марта келишим. Энг кизиги, ҳар сафар келганимда, бу ердан янги таассуротлар, янги ҳақиқатлар туйғиниб келиб қайтаман. Йигирма ёшга тўлаётган юртимиз келажак мана шу боғ мисоли янада яшнайверсин.

Шу ўринда яна бир қувончли воқеани тилга олмай иложимиз йўқ. Утган йили сентябр ойида ушбу кўркем боғда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек ҳайкалининг ўрнатилиши халқимизнинг фидойи фарзанди, атоқли шоир, ёзувчи ва етук олимнинг миллий адабиётимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, бетакрор ижодий мероси ва ибратли фаолиятининг яна бир амалий эътирофи бўлди.

Орзу-умидлар гулмайдиган боғ



Юртбошимиз ўзининг бетакрор ижоди ва улкан жамоат арбоби сифатидаги фаолияти билан халқимизнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшган Ойбекнинг ёрқин хотирасига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаётгани жамоатчилигимизга, айниқса, адабиёт аҳлига яхши маълум. Давлатимиз раҳбарининг фармони билан 2001 йилда улугъ адбимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлангани, Президентимизнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарига «Биз шоир деганда, аввало, Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда, Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун нафақат ноёб истеъдоди, айти пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўтабар инсонларни тасаввур этамиз», деб Ойбек сиймосига улкан эҳтиром кўрсатгани ҳам шундан далолатдир.

Миллий боғ пойтахтнинг ҳақиқий маънавий марказига айланди. Биз мамлакатнинг асосий миллий байрамлари — Мустақиллик куни ва Наврўз тантаналари ўтказиладиган майдонга ўтдик. Бу майдондаги байрамларни фақат телевизорда кўриб ўрганган синглим ажабланиб томоша қилди. Унинг кўнглидан, наҳотки, баҳорда гулларга буркангучи, мустақиллик кунида турфа чироқлар оғушида порлаб турадиган майдон шу бўлса, олам-олам шуқуу шодликларни сизгидира олса, деган ҳаёл ўтаётган бўлса, ажаб эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси ҳам айнан шу боғ ҳудудида жойлашганидан хабарингиз бор. Парламент биноси «Истиқлол» санъат саройи, Абулқосим мадрасаси ҳамда Алишер Навоий ҳайкалидан таркиб топган яхлит ансамбли ташкил этган. Бинонинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти


муаллифларни меъморлик санъатининг мумтоз тамойилларига таянишга, атрофи устунлар билан безалган мовий гўмбазли марказга жойлаштиришга ундаган.

Био нафақат ўзига хос фасад элементлари билан, балки пойдеворининг кўркемчилиги, қўлланган ботиқ ва бўртқилари, кенг зинапоёси, бионинг ҳовузлардаги гўзал акси билан ҳам ажралиб туради. Бино пештоқини кўтариб турувчи оҳорланган устунларнинг зарҳал ойналардаги инъикоси мафтункор чизгиларни ҳосил қилади.

«Истиқлол» санъат саройи қаршисидан чиқиб кетар эканмиз, Миллий боғ мустақиллик давридаги юксалишлардан сўзлагувчи бетакрор, яхлит мажмуа эканига яна бир бор амин бўлдим. Барча соҳалардаги изчил ислохотлар туфайли ободонлашган юртимизнинг обод бир маскани, кўнглига фаррабаш орзу-умидлар етакловчи кўркем гўша сифатида бу боғ ҳали қўллаг саодатли кўнларнинг, улкан ютуқларнинг гувоҳи бўлишига шубҳа йўқ.

Ақмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

Ўқидингизми?



Муаллиф ўз бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар орқали ёш авлодга қайсибир маънода йўл кўрсатади. Уларни ҳар қадамда асрагиси, оқни қорадан ажратишда кўмаклашиши, босиб ўтилган ҳаёт йўлининг пасту-баландларидан оғоҳ этгани келади. Бунда у халқ мақоли ва маталардан кенг фойдаланади. Масалан, «Эагини топан йиғит»нинг бошида «От айлангиб қозғини, эр айлангиб ёзувчи топамди» мақолини келтириш орқали ҳар қилмиш ва кучига таяниб, қўлидан келган ишни қилиши керак, бўлмаса, тиббиётдан имтиҳон топшираётган «Кўн таркибидан тромцитлар, бурганлар бор...» дея кулгига қолган Воҳиджон сингари жаҳиятда ўз ўрнини тополмай қолиши мумкинлиги...

Ҳамкасбимиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Мансур Аловуддиновнинг навбатдаги, ўн учинчи китоби «Ифор ишқиди» деб номланди. Ундан ўрин олган ибратга бой, ҳаётий ҳулосалар асосидаги жажжи ҳикоялар ўқувчига қониқарли «озуқа» беради.

Ўн учинчи китоб

дан оғоҳлантиради. «Туюқчалардаги кичкинагина саҳнада катта маъно акс этади. Буни ҳатто бугуннинг долзарб мавзусига айланган фарибгарлик балоси билан ҳам қиёслаш мумкин. Гап шундаки, онаси эндигина тандирдан узиб берган иссиқ кулчани ариқ сувида оқизиб ейишнинг завқиди бироз уйдан узоклашган болақай ўзидан каттароқ «бурни оқиб турадиган» бола томонидан алданади. Кулчани қандай қилиб туюқ кўриши касб этишига бўлган қизиқиш эса, болақайни лаззатли онлардан маҳрум этади. «Сизга айтсам, қора кўзларим», — дейди муаллиф, — «ана ўшандан буён одамлар, айниқса, болалар ризқини туюқ қиладиган кимсаларни жуда ёмон кўраман».

«Кўнги таоми» деган сарлавҳани ўқиганда хаёлга номоддий бир нарса келади. Аммо муаллиф бу ерда ҳам топқирлик қилади. Яъни, оддий, А. АБДУЛЛАЕВ

Истеъдод қирралари

Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридида шундай сатрлар бор: «... Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қандай ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тинимсизда аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган қониқ инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим...»

Мўтабархон

Алишер Навоий ҳазратлари эса: «Қил ўтқа назораким, қуяр чоғ, сув ўчирур ани, ёндирур ёғ», — дейдилар. Бу ўринда ўзига хос талант, истеъдодни тарбиялаш, уни рўёбга чиқариш эндигина ёнаётган оловга ёғ селиб уни алангалатишга, лоқайдлик қилиш эса сув селиб оловни ўчирган каби иктидорнинг завоғга юз тушишга менгзалаётган.

Жиззах вилояти Янги Бўстон кўрғони Заиф эшитувчи болалар мактаб-интернат устоз ва мураббийлари бу ердаги ҳар бир болага меҳр-муҳаббат улашайтигани ўз самарасини бермоқда. 9-синф ўқувчиси Мўтабар Эркабоева ногирон болалар ўртасида ўтказилган «Ранглар жилоси» кўрик-танловида вилоят бўйича биринчи, республика миқёсида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Қалбидидаги бегуборлик, келажакка интилиш ва улкан орзулар кўзида акс этган Мўтабарнинг истеъдоди юзага чиқишида мактаб-интернат директори Низомиддин Тошбеков, синф раҳбари Хусан Раззоқов, тарбиячи Гулбахор Муҳаммадиева ҳамда «Нилуфар» рақс дастаси раҳбари Муҳаббат Саримсоқовнинг хизматлари алоҳида тахсинга лойиқ.

Интернат қошидаги рақс, шунингдек, компютер ва тикиш-бичиш тўғрисидаги ҳам фаол аъзоси бўлган Мўтабарни нурли истиқбол ўз бағрига чорламоқда.

Абдумурод ТИЛЛОВ, УзМУ ўқитувчиси

Фахрийлар хизматида

«Косонсой» фахрийлар сийхатхонаси Косонсой туманининг сўлим Олмасор қишлоғида жойлашган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфидидаги 170 ўрилли мазкур сийхатхонада туман педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежи ахборот ресурс маркази филиали фаолият кўрсатмоқда.

— Кутубхонамида 24535 донга турли адабиётлар мавжуд, — дейди АРМ شوҳоб-часи ходими Гулҳайл Дадабоева. — 20 га яқин матбуот нашрига обуна бўлинган. Китобга қизиқувчилар сафи кенгаймоқда. Махалла ёшлари ҳам хизматимиздан фойдаланишяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Келажак олдида масъулмиз

Қашқадарёдаги «Эски масжид» тажриба театр студияси 1993 йилда ташкил топган. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Исоқ Тўраев бадиий раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа ўз йўналишига, мухлисларига эга.

Театр репертуаридан жой олган асарлар чўқур фалсафийлиги, долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларга қаратилгани билан эътиборни тортади. Улар орасида Навоий ва Аттот асарлари асосида яратилган «Шайх Санъон», Чингиз Айтматовнинг «Асрга таътигулик кун» асари асосида саҳналаштирилган «Найман она нидоси», Жорж Байроннинг «Кам» драматизи асосидаги «Қобил ила Ҳобил», Софоклнинг «Шоҳ Эдип» спектакллари қатор халқаро фестивалларда юқори ўринларга лойиқ топилган. Масалан, 1999 йил май ойида Бишкек шаҳрида ўтган «Айтматов ва театр» халқаро фестивалида «Найман она нидоси» спектакли биринчи ўринга, Исоқ Тўраев яратган Жўломон образи эса «Жюрилар ҳурмати» номинациясига муносиб қўрилди.



чўлларада чанқанимда танимга қувват бераётган, Ватанини соғинганимда руҳимга таскин бағишлайпти...

Бу гаплардан кейин қаровонбоши бу ақли йиғитга қаровонни бошлаб йорини ишониб топшириб дейди:

— Онага, Ватанга бўлган муҳаббатинг таҳсинга лойиқ. Сендек ақли йиғит бошчилик қилган қаровоннинг йўли ойдин, иши барорли бўлади! Аллоҳ ҳам Ватанини севганларни паноҳига олади.

«Алла сеҳри» ривояти асосида тайёрланган ла-

«Эски масжид» тажрибаси

Театр репертуаридаги «Театр — уруш ва зўравонликка қарши», «Манкуртлардан асранг дунёни», «Қалбимдан бошланар Ватан» каби лойиҳалар асосида тайёрланган томоша дастурларида ёшларимиз онгига Ватанга муҳаббат туйғусини сингдириш бош мезонга айланган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Ерқўрғон» томошаси ўзига хос совға бўлган.

Италия, Франция, Германия, Белгия, Миср, Хиндистон, Япония, Украина, Россия, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатларда иждоий сафарларда, кўрик-танловларда қатнашган театр жамоаси ўз маблағини ўзи ишлаб топади.

— Бирор давлатда театр фестивали ўтса, йўл харажатлари мезмон ташкил толуяди. Таклифни шу тарихқа қабул қилишимиз, — дейди И.Тўраев.

Айни пайтда театр жамоаси воҳа бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган «Келажак олдида масъул авлодимиз» деб номланган театрлаштирилган маънавий-маърифий дастурни тақдим этмоқда.

Мазкур томошада юракни тўқилантирадиган лавҳалар бисёр. «Темурга алла айтган эл», «Ҳеч кимга бермайман», «Баркамол авлод», «Полвоғлар бор юртинг», «Ватан учун яшайлик!» қўшиқлари, «Хай, ёра», «Ерма бўрон» терма ва лапарлари томошабиннинг Ватанга муҳаббатини оширади.

Дастурдан ўрин олган «Муқаддас юрт туپроғи» ривояти асосида саҳналаштирилган томошада шундай лавҳа бор: Бир аёл ўғлининг дунё кўришини истаб, уни қаровонга қўшади. Қаровон чўлар оша манзил сари одимлар, аёлининг ўғли эса гоҳ-гоҳида сафда кўринмай қоларди. Буни сезган қаровонбоши уни чақириб, сабабини сўрайди.

Йиғит кечирим сўраб, вазиятини баён қилади: — Онамини, Ватанимини ёдга солиб туриши учун онамнинг оёқ изларини лоғга бостириб олган эдим. Қаровондан узоклашган онамда уни кўзимга суриб, хидлайман. Онамнинг излари

вҳа ҳам эътиборни тортади. Бир қиз ўзга юртлиқ йиғит билан аҳду паймон қилади. Онаси қизига фотиха бера экан, шундай шарт қўяди:

— Майли, кўнгли қўйибсан, қарши эмасман. Аммо фарзандли бўлсанг, унга алла айтмайсан... Тўйдан бир йил ўтиб, келинчақ фарзандли бўлди, аммо онасига сўз бергани учун алла айтолмади. Чақалоқ йиғлай-йиғлай ёруғ олам билан эрта хайрлашди. Вақти келиб, иккинчи фарзанднинг ҳам тақдирини шундай бўлди.

Онанинг фарёди оламни тутди. Чунки учинчи фарзанди ҳам тинимсиз йиғлар, табиилар унинг касалини топишдан оҳиз эди. Шунда бир табии онага фарзанди учун алла айтишини сўради.

— Йўқ, айтолмайман. Онамга ваъда берганман. — Онаг, қизим алла айтса, элу юрти, яқинлари ёдига тушади, уларни соғиниб, қийналади, дея ҳаловатингни ўйлаган. Энди сен ҳам онасан. Боланг омон қолиши учун алла айт...

Мусофир келин баралла алла айтиб юборарди ва шу онда фарзанди йиғлашдан тўхтайти. Алланинг сеҳри туфайли бола омон қолади.

— «Ватан» сўзи юракка нур, танга қувват бағишлайди, — таъкидлади Исоқ ака. — Муҳлислар Ватанга муҳаббат руҳидаги қўшиқларини биз билан баралла куйлаяпти.

— Театр иждоқорлари ҳақида ҳам тўхталсангиз... — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ойгул Халилова, актёрлар Ғайрат Ражабов, Парда Номдоров, Наби Бобонозов, Жайрулла Ҳақбердиев, Юлдаз Набиева, Нигора Ҳайдарова, Ерқин ИБРАГИМОВА, Шароф Рашидов, Маъмур Тўраев, Достон Ҳақбердиев, Бунёд Ширинов сингари ёш истеъдод соҳиблари билан ҳаммаслашди ишлаяпти.

Театр студиямизга вилоят ҳокимлиги ҳам эътибор қаратаётти. Биноми таъмирланмоқда. Қолаверса, театрини вилоят ёшлар театрига айлантириш бўйича ҳаракат олиб борилапти...

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Тошкент вилояти Паркент тумани 16-умумтаълим мактаби томонидан 2009 йил 22 июнда Умаров Мурод Холмурод угли номига берилган №1030150 рақамли шахсоннинг аҳолига йўқолиши сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси Тошкент молия институтини ректори, профессор Алишер Ваҳобовга онаси КИМЁ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Нишон туман кенгаши раиси Шўҳрат Абраевага укаси Озод АБРАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдўрдлик билдиради.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a QR code.